

---

## "Халқ Конституцияси билан халқчил давлат сари" шиори остида "Маънавият фестивали" бўлиб ўтмоқда

Айни кунларда мамлакатимизда янгиланаётган Конституцияни қабул қилиш бўйича умумхалқ референдумини ўтказиш арафасида жойларда маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Бугун ушбу сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар мазмун-моҳиятини халқимизга етказишни мақсад қилган бир гуруҳ олимлар, зиёлилар ва элимиз суйган санъаткорлар Фурқат туманида кутиб олинди.

Ушбу тадбирлар Фарғона вилояти касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармасига қарашли Фурқат туман касб-ҳунар мактаби ҳамда "Абдулқаххор ота" зиёратгоҳида ўтказилди.

2023-03-31 08:39:56